

Ҳунайн куни

20:00 / 28.11.2017 3336

Ибн Масъуд розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Ҳунайн куни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам тақсимда баъзи кишиларни ортиқ кўрдилар. Ақраъ ибн Ҳобисга юзта туя бердилар. Уяйна ибн Ҳиснга ҳам шунча бердилар. Арабларнинг катталарига ҳам бердилар. Ўша куни тақсимда уларни ортиқ кўрдилар. Бир киши: «Аллоҳга қасамки, бу тақсимда адолат қилинмади, унда Аллоҳнинг розилиги ирода этилмади», деди. Шунда мен: «Аллоҳга қасамки, буни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга хабар қиламан», дедим. У зотнинг ҳузурларига келиб, хабарни айтдим. У зотнинг юзлари ўзгариб, қизилга ўхшаб кетди. Сўнгра у зот: **«Аллоҳ ва Унинг Расули адолат қилмаса, ким адолат қилар экан? Сўнгра яна Аллоҳ Мусони раҳматига олсин, унга бундан ҳам кўп азият берилган ва у сабр қилган эди»**, дедилар». Мен эса қайтиб бундан кейин Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга гап ташимайман, дедим».

Муттафақун алайҳ.